

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 241(14.18-21)

ОДИЛОВ БОБУР БАХТИЁРЖОН ЎҒЛИ

**КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БРЕНД-
МЕНЕЖМЕНТНИНГ АҲАМИЯТИ
(“Ulug’bek export trade” масъулияти чекланган жамият
маълумотлари асосида)**

5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Т.Акрамов

Тошкент – 2018


Диссертация ишида қуйидаги асосий масалалар ҳал этилади: Ўзбекистон Республикасида реал сектор корхоналарининг самарадорлигини бренд-менежмент орқали оширишнинг назарий ва услубий асослари; реал сектор корхоналарининг жорий самарадорлик ҳолати таҳлили; реал сектор корхоналари иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш йўналишлари ўрганилган. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши айнан, “ULUG’BEK EXPORT TRADE” МЧЖда бренд-менежмент орқали иқтисодий самарадорликни такомиллаштиришга кўмаклашади.

In this thesis the following tasks were accomplished: theoretical and methodological foundations for increasing the efficiency of enterprises by brand-management of the Republic of Uzbekistan; Analysis of production indicators and the state of diversification at enterprises; The basic directions of increase of efficiency of diversification at the enterprises. The practical application of scientific proposals and practical recommendations developed in the course of research can help improve the diversification of the range of products produced by “ULUG’BEK EXPORT TRADE”.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган. 49-сонли баённома « 16 » 05 2018 й.

Илмий раҳбар: Т.Акрамов

Магистр: Б.Одилов


имзо 11.05.18
сана

имзо 11.08.18
сана

“Химояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов 
“ 16 ” май 2018 йил

Химоя 2018 йил “ 25 ” май соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

М У Н Д А Р И Ж А

	КИРИШ.....	4
I БОБ.	Саноат корхоналари экспорт фаолияти самарадорлигини оширишда маҳсулот брендидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари.....	12
1.1.	Бренд-менежмент, унинг моҳияти ва ривожланиш хусусиятлари.....	12
1.2.	B2B & B2C бозорида брендни барпо этишнинг принципиал фарқлари	17
1.3.	Саноат брендини ташқи бозорга чиқиш учун тайёрлаш механизми	22
	Биринчи боб бўйича қисқача хулосалар.....	28
II БОБ.	“ULUG’BEK EXPORT TRADE” масъулияти чекланган жамиятида маркетинг хизматини ташкил этиш ҳолати таҳлили	30
2.1.	“ULUG’BEK EXPORT TRADE” масъулияти чекланган жамияти фаолиятининг ташкилий-иқтисодий тавсифи.....	30
2.2.	“ULUG’BEK EXPORT TRADE” масъулияти чекланган жамиятининг иқтисодий ҳолати таҳлили.....	35
2.3.	“ULUG’BEK EXPORT TRADE” масъулияти чекланган жамиятида брендинг ҳолати таҳлили	46
	Иккинчи боб бўйича қисқача хулосалар.....	61
III-БОБ.	Ўзбекистон Республикаси экспорт салоҳиятини оширишда миллий бренд омилини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	63
3.1.	“ULUG’BEK EXPORT TRADE” масъулияти чекланган жамиятида брендинг сиёсатини ривожлантириш йўналишлари.....	63
3.2.	Ўзбекистон экспортини ривожлантиришда миллий брендинг тизимини такомиллаштириш масалалари.....	68
	Учинчи боб бўйича қисқача хулосалар.....	77
	Хулоса ва таклифлар.....	79
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	82

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Давлат раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш зарурати алоҳида таъкидланди.¹

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш масаласи ҳал этиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги 4400 дан ортиқ корхоналарнинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган. Бу тадбирлар натижасида корхоналарнинг рентабеллик даражаси ошади, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва ишчилар сонини кўпайтиришга олиб келади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017 - 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.